Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 81 (8821). ◆ 19 апрель, 1986 йил ● ШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.

БУГУН — В. И. ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 116 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН КОММУНИСТИК ШАНБАЛИК

## ЧЕВАРЛАР АҲДИ

КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди қарорларини ҳаётга татбиқ этаётган Тошкент бадиий буюмлар фабрикаси чеварлари биринчи квартал планини муддатидан илгари ошириб адо этдилар. Шу билан бирга маҳсулот сифати янада яхшиланди. Улар коммунистик шанбаликни ҳам ҳар қачонгидек уюшқоқлик билан ўтказиб, фақат аъло сифатли маҳсулот тайёрлаш тадбирларини белгилашаяпти. Фабриканинг машъал чеварлари М. Мирзааҳмедова, К. Фузаилова, Т. Гизатулина, С. Тохирова, К. Акбарова, В. Карловалар шу куни шахсий нормани 1,5—2 баравар ошириб бажаришга барча ҳамкасбларини даъват этдилар.

Пойтахтдаги «Учқун» тўқимачилик-галантерея ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи ҳам шанбалик куни юқори унумдорликка эришишга сўз берди. Улар ўн иккинчи беш йилликнинг дастлабки квартали планини ошириб бажариб, 5315 минг сўмлик ўрнига 5 миллион 443 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар. Пландагига қўшимча 40 минг сўмлик буюмлар реализация қилинди. Илғорлар шанбалик куни 72 минг сўмлик кенг истеъмол буюмлари тайёрлашга аҳд қилишди.

С. СУЛТОНОВ

## УМУМХАЛҚ ҲАШАРИ

**Бу умумхалқ ҳашарининг туғилиши тарихи бевосита улуғ доҳий номи билан боғлиқдир. Совет кишиларининг ватанпарварлик туйғуларини, коммунистик қурилиш ишига камарбаста эканликларини тўла ва жозибали акс эттирадиган бу ҳаётбахш ҳаракатнинг бугунги кўлами беқиёсдир. Мамлакатимизда Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалаба қозонгандан кейин кенг меҳнаткашлар оммаси онгида, фикрлашида туб бурилиш бўлганлигидан ёрқин далолат берувчи бу ҳаракатнинг ҳар бир саҳифаси ўз моҳияти билан тарихимизда чуқур из қолдирган. Бу аввало совет кишиларининг меҳнатга коммунистик муносабатда бўлаётганликларини, умумиши йўлидаги фидокорликларини акс эттириш билан машҳур ва қадрлидир.**

**«Буюк почин» тарихи 1919 йилдан бошланган. У шу йилнинг 12 апрелида Москва—Қозон темир йўлининг Москва-Сортировочная депосида туғилди. Ўн уч нафар коммунист ва уларга хайрихоҳ бўлган икки темирйўлчи смена тугагач цехда қолиб, учта паровозни ремонтдан чиқардилар. Улар бу меҳнатлари учун ҳақ олмадилар. Улуғ Ленин бу ташаббуснинг моҳиятини, тарихий аҳамиятини донишмандлик билан пайқади. У шанбаликда меҳнатга янгича муносабатда бўлишнинг куртаклари борлигига алоҳида урғу бериб, уни «Буюк почин» деб атади.**

**Бу ватанпарварлик ташаббуси тез вақт ичида бепоён мамлакатимизнинг барча бурчакларига етиб борди. Бизнинг серқуёш республикамизда ҳам умумхалқ ҳашари ўша машаққатли, Совет давлатининг ҳаёт-мамоти ҳал бўлаётган, халқ хўжалиги вайрон бўлган, очлик-яланғочлик хуруж қилган даврда— 1919 йилда бошланди.**

**В. И. Ленин ўша йили Тошкент Совет ижрокомига ҳамда барча темирйўлчиларга радиотелеграмма юбориб, Туркистоннинг Совет Россиясига қўшилиши муносабати билан бутун диққат-эътиборни паровозлар ремонтига қаратишга, революция ғалабасини мустаҳкамлашга, иқтисодий аҳволни тубдан яхшилаш учун курашишга даъват этди. Бу оташин чақириққа жавобан Тошкент шаҳрида биринчи шанбалик 11 октябрь куни бўлиб ўтди. Унда депо ишчилари, мастеровойлар, темирйўлчилардан иборат қарийб 500 нафар киши иштирок этди. Бу «Буюк почин»нинг Туркистондаги дастлабки акс садоси эди. Бугун эса республикамиз меҳнаткашлари биринчи шанбаликнинг 67-баҳорини нишонлаяптилар.**

**Шу йиллар давомида Совет давлатининг қудрати ва халқаро обрўси беқиёс ўсди. Буюк почин учқунларидан эса умумхалқ социалистик мусобақаси, унинг меҳнатга коммунистик муносабатда бўлишдек олий формаси алангаланди. Янги меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш тўғрисидаги ленинча ғоя кенг меҳнаткашлар оммасининг қайнар булоқдек ташаббуслари кенгайишига асос бўлиб хизмат қилди ва хизмат қилмоқда. Ҳозирги даврда социалистик мусобақа фақат иқтисодий юксалишнигина эмас, шу билан бирга кишиларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг муҳим омили ҳам бўлиб қолди.**

**Москвалик илғор ишлаб чиқариш коллективларининг шу йилнинг 19 апрелида В. И. Ленин таваллудига бағишлаб коммунистик шанбалик ўтказиш ҳақидаги ташаббуси барча совет кишилари, шу жумладан областимиз меҳнаткашлари томонидан тўла қўллаб-қувватланди. Ишчилар ҳам, колхозчи деҳқонлар ҳам, зиёлилар ҳам — ҳамма якдиллик билан бажонудил шанбаликка отланади. Барча меҳнаткашлар эрта тонгдан ўзлари учун ниҳоятда қадрдон ва азиз бўлиб қолган завод-фабрикалари, қурилишлари, транспорт корхоналари, ташкилот ва муассасалари, далалар, боғ-роғлар, чорвачилик фермалари томон йўл оладилар.**

**Шанбалик совет халқи КПСС XXVII съезди тарихий қарорларини, мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришнинг ўн иккинчи беш йиллик планларини амалга ошириш учун сабот-матонат билан дастлабки одимларни ташлаётган, экономиканинг барча тармоқларида ривожланишни жадаллаштириш учун қизғин кураш бошлаган, ҳамма жойда интенсив юксалишга эришиш учун янги-янги резервларни ишга солиш учун интилаётган вазиятда ўтмоқда. Бу меҳнат коллективлари белгилаган режаларда ўз аксини топди. Улар умумхалқ ҳашарида оддий кунлардагига нисбатан кўпроқ самарадорликка, маҳсулотнинг айрим қисмини тежаб қолинган материаллар, хом ашё, ёқилғи-энергетика ресурслари ҳисобига ишлаб чиқариш, ҳар бир ишчи-хизматчининг унумли ва сифатли меҳнат қилишига эришадилар.**

**Ҳамма жойда умумхалқ ҳашарига пухта ҳозирлик кўрилди. Шанбаликка тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш область штаби, шаҳарлар, районлар, корхоналар, ташкилотлар, колхоз-совхозларда тузилган худди шундай штаблар барча ҳозирлик ишларига бош-қош бўлдилар. Ишчи коржомасидаги байрам ҳар томонлама самарали ўтиши учун зарур бўлган ҳамма чора-тадбирларни белгилаб олганлар.**

**Областимизнинг барча меҳнаткашлари бугун яратувчилик меҳнати, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари билан шуғулланадилар. Саноатчиларимиз ўнларча миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарадилар, қўли гул бинокорларимиз қурилиш объектларида бўлиб, бунёдкорлик ишларини давом эттирадилар, транспортчилар халқ хўжалиги ва меҳнаткашлар хизматида бўладилар, деҳқонларимиз ўн иккинчи беш йилликнинг тўнғич йилида экинлардан мўл ҳосил етиштириш йўлидаги ишларини бир дақиқа ҳам бўшаштирмай давом эттирадилар. Юзларча минг туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазиб, шаҳар ва қишлоқлар яшил либосини, боғ-роғларни кенгайтирадилар.**

**Областимиз меҳнаткашлари бугунги «қизил шанбалик»да фаол қатнашиб, уни меҳнатда юқори натижа ва юксак иш сифати билан нишонлаб, халқимизнинг ажойиб анъанасига содиқ эканликларини, КПСС XXVII съезди белгилаб берган улуғвор режаларни амалга оширишга муносиб ҳисса қўшишга азму-қарор қилганликларини яна бир бор намойиш этадилар.**

**— СОВЕТ ИТТИФОҚИ МЕҲНАТКАШЛАРИ!**

**ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИНГ БАРЧА РЕЗЕРВЛАРИНИ ИШГА ТУШИРАЙЛИК! ЮКСАК СИФАТ, ҒОЯТ ҚАТТИҚ ТЕЖАШ, МУСТАҲКАМ ИНТИЗОМ ЖУДА ТЕЗ ОЛҒА ҲАРАКАТ ҚИЛИШИМИЗ ГАРОВИДИР!**

**Областимиз меҳнаткашлари партиямизнинг бу даъватига бугун ўзларининг салмоқли ишлари билан муносиб жавоб беришлари шубҳасиздир.**

**Ҳамма — коммунистик шанбаликка!**



● Евгений БАСКАКОВ бошлиқ бригада фақатгина «Узбекрезинотехника» ишлаб чиқариш бирлашмасида эмас, балки бутун Ангрен шаҳрида таниқлидир. Комсомол-ёшлардан иборат бу коллектив социалистик мусобақанинг олдинги сафида бориб, фақат аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Улар материал ва хом ашёни тежаш бўйича шаҳар мусобақасида ҳам биринчи ўринни эгалладилар. Бугун бригада коллективи ана шу тежалган хом ашё ҳисобига меҳнат қилади.

Суратда: Евгений Баскаков (чапдан тўртинчи) бошлиқ бригада иш сменаси олдидан.

А. ЗУФАРОВ фотоси.

## МАҲОРАТ ЭСТАФЕТАСИ

Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси Мунира Зокирова В. И. Ленин таваллудининг 116 йиллиги шарафига қабул қилган социалистик мажбуриятини муддатидан илгари бажарди. У қўшимча равишда ўттиз минг метрдан ортиқ хом сурп тайёрлаб, тўрт ойлик ишлаб чиқариш топшириғини адо этди.

Катта иш стажига эга бўлган тўқувчилар ҳам комсомол аъзоси М. Зокирова қандай ишлаётганини кўриш учун унинг ҳузурига келишди. Мунира ўз билими ва тажрибасини бажонидил ўртоқлашди.

М. Зокирова нормадаги 21 та ўрнига 35 та мокисиз станокда хизмат қилмоқда. У ўтган йили етти йиллик топшириқни бажарди. Мамлакат энг яхши тўқимачиларининг Иваново шаҳрида бўлиб ўтган слётида унга тўқувчи опа-сингил Виноградовалар номидаги мукофот лауреати дипломи топширилди.

(ЎзТАГ мухбири).

ГЕРМАНИЯ БИРЛАШГАН СОЦИАЛИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XI СЪЕЗДИДА

# Ўртоқ М. С. ГОРБАЧЕВ нутқи

БЕРЛИН, 18 апрель (ТАСС). Бугун Германия Бирлашган социалистик партиясининг XI съездида Совет Иттифоқи Коммунистик партияси делегациясининг бошлиғи, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев сўзга чиқди. У бундай деди:

Ҳурматли ўртоқ Раис!

Азиз ўртоқлар, дўстлар!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети номидан Германия Бирлашган социалистик партиясининг XI съездини самимий табриклайман!

Шу кунларда ГДРнинг жуда кўп дўстлари, кенг халқаро жамоатчиликнинг диққат-эътибори Берлинга қаратилган. Совет кишилари сизларнинг съездингизга, илмий социализм назарияси Европа марказида, таълимотимизнинг асосчилари — Карл Маркс ва Фридрих Энгельс ватанида қандай рўёбга чиқарилаётганига зўр қизиқиш билан қарамоқдалар.

Шу минбардан Германия Демократик Республикасининг қардош халқига совет халқининг қизғин саломини топширмоқчиман!

ГДРнинг атоқли раҳбари, дўстимиз ва ўртоғимиз Эрих Хонеккернинг ГБСП Марказий Комитети номидан қилган ҳисобот докладини ҳаммамиз зўр эътибор билан тингладик, ГДР халқ хўжалигини 1986 —1990 йилларда ривожлантириш плани директивалари билан танишдик. Бу ҳужжатлар немислар диёрида социализм иши дадил олға силжиётганидан яққол далолат бериб турибди.

Сизларнинг режаларингиз кенг миқёсли, аммо реал режалардир, чунки улар республика яшаб келаётган бутун тарих мобайнида ва кейинги йилларда эришилган салмоқли натижаларга асосланади. Интенсив усуллар халқ хўжалигини ривожлантиришнинг барқарор суръатларини таъминлаш имконини берди. Сизларнинг илм-фан билан ишлаб чиқаришни бирга қўшиш, моддий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, фан-техника тараққиёти ютуқларини кенг жорий қилиш тажрибангиз хусусида эзгу сўзлар айтса арзийди.

ГДРда шаҳар ва қишлоқ меҳнатчиларининг жўшқин яшаши, ободончилик, табиатни ҳимоя қилиш, гражданларнинг ижтимоий ижодкорлигини ривожлантириш учун қилинган ва қилинаётган ишлар билан партиянгиз фахрланиши мумкин. Социалистик давлатда халқ ўзини хўжайин деб ҳис этаётганлиги ва унинг омилкор, ғамхўр қўли ГДРнинг ҳамма жойида сезилиб турибди.

Шу кунларда ГБСП ўзининг 40 йиллигини нишонлаётган бир пайтда, унинг ҳозирги ГДРни барпо этишдаги буюк ролини таъкидлаш, айниқса, ўринлидир. Карл Либкнехт, Роза Люксембург ва Эрнст Тельман анъаналарига садоқатли, ишчилар синфининг ажойиб арбоблари — Вильгельм Пик, Отто Гротеволь, Вальтер Ульбрихт раҳбарлик қилган партия Улуғ Октябрь социалистик революцияси очиб берган йўлдан дадил олға борди. У урушдан кейинги вайронгарчиликни бартараф этиб, тез ривожланаётган замонавий экономикани барпо этишгача, махв этилган фашизм сарқитларини тугатиб, ишчи ва деҳқонларнинг социалистик давлатини вужудга келтиришгача, маънавий қашшоқликдан энг инсонпарвар идеология ва маданиятнинг тантанасигача бўлган жуда катта йўлни босиб ўтди. Мана шуларнинг ҳаммасига партия марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми ғояларига муттасил амал қилиб келганлиги туфайли эришилди.

Азиз дўстлар, съезд делегатларини, партиянгизнинг барча аъзоларини шонли юбилей билан чин кўнгилдан табриклашга, ривожланган социалистик жамият қуришда янгидан-янги муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсизлар!

Урушдан кейинги ҳамма йиллар мобайнида бизнинг партиямиз ва халқимиз сизлар билан ҳамдам бўлганини, меҳнаткашларнинг ёш давлатига ёрдам беришга доим тайёр турганини яхши биласизлар. Биз ГБСПнинг, Германия Демократик Республикасининг содиқ дўстлари ва иттифоқчилари бўлиб келдик ҳамда абадул-абад шундай бўлиб қоламиз!

Ўртоқлар!

Социалистик дунё алоҳида, айтиш мумкинки, бурилиш даврида яшаб турибди. Тарих бизнинг олдимизга фан-техника, экономика ва социал тараққиётни жадаллаштириш учун янги ижтимоий тузумнинг афзалликларидан тўлиқроқ фойдаланиш, социалистик турмуш тарзини янги қирралар билан бойитиш зарурлатини кўндаланг қилиб қўяди. Социализмнинг жозибадорлиги, унинг халқаро майдондаги позициялари мустаҳкамланиши мана шунга ҳал қилувчи даражада боғлиқ бўлади. Ядро уруши хавфини жиловлаш, империализмнинг агрессив ниятлари йўлига тўсиқ қўйиш, тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш ҳар қачонгидан ҳам зарур вазифадир.

Социализмнинг давр даъватига берадиган жавоби партияларимиз съездларининг қарорларидан келиб чиқади. Конкрет тарзда олганда бу жавоб қардош мамлакатлар тараққиётининг хусусиятларини ифодалайдиган тарзда хилма-хил бўлиши тушунарлидир. Аммо унинг принципиал негизи ягона, чунки бизнинг мақсадларимиз муштарак, дунёқарашимиз битта — коммунистик дунёқарашдир.

КПСС XXVII съездининг қарорлари қардош партиялар ва мамлакатларда, ГДРда кенг миқёсда маъқуллаб кутиб олинди. Бунинг учун биз сизлардан астойдил миннатдормиз. Умумий ишдаги дўстларимиз ва сафдошларимизнинг бундай баҳоси — танлаб олинган йўл тўғрилигининг тасдиғи ҳамдир, илҳомбахш омил ҳамдир.

У ёки бу воқеага узил-кесил баҳони тарих беради, албатта. Аммо съезд бизнинг мамлакатимиз учун оддий воқеа бўлмаганлиги ҳозирнинг ўзида ҳам равшан. У Марказий Комитетнинг 1985 йил апрель Пленумида асос солинган КПССнинг ҳозирги замон сиёсий йўлини ишлаб чиқишни ниҳоясига етказди, партия ва халқни тарихнинг ҳозирги туб бурилиш нуқтасида қайси ишларни қандай бажариш кераклиги тўғрисида равшан тасаввур билан қуроллантирди.

Съезд юксак талабчанлик руҳида ўтди. Унинг минбаридан проблемаларимиз ҳақида ҳам, камчиликларимиз тўғрисида ҳам, энг муҳими эса — ишни тубдан яхшилаш йўллари ҳақида ҳам ошкора гапирилди.

Объектив ва субъектив тарздаги бир қанча сабабларга кўра, ўтган босқичда бизнинг ҳаракатимиз бирмунча секинлаша бошлаган, салбий тенденцияларнинг амал қилиши сезила бошлаган эди. Биз шу ҳодисалар ҳақида гапирар эканмиз, ўз ютуқларимизни асло камситмоқчи эмасмиз. Кенг тарихий нуқтаи назардан олганда, мамлакатимизнинг иқтисодий, социал, маънавий соҳадаги муваффақиятлари — ҳамма эътироф қилган фактдир. Бу ўринда бошқа гапни айтмоқчиман. Гап шундаки, биз эришилган натижаларга таяниб анча тезроқ ҳаракат қилишимиз, заифликлар ва танг жойлардан халос бўлишимиз, турғунлик ҳолатларини бартараф этишимиз мумкин ва лозим.

Баъзан: биз ўз-ўзини танқидни ҳаддан ошириб юбормадикми, шу тариқа коммунизмга қарши пропаганда учун озиқ бераётганимиз йўқми? — деб сўрамоқдалар. Биз аминмизки, ҳаддан ошиб кетганимиз йўқ. К. Маркс ҳам, В. И. Ленин ҳам ўз фаолиятига танқидий назар билан қараш революцион партия муваффақиятининг зарур шарти бўлади, деб таълим берган эдилар. Биз шу васиятга амал қилишга интилдик ва коммунистлар, бутун совет халқи бизни тўла-тўкис қўллаб-қувватлади.

Эришилган натижаларга берилган реалистик баҳо амалий программани ўртага қўйиш учун илк нуқта бўлиб хизмат қилди. Мамлакатнинг социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш йўли бу программанинг ўзагини ташкил этади, бу йўл съезд қарорларида, янги таҳрирдаги партия Программасида ҳар томонлама асослаб берилган.

Шуни таъкидлаб ўтмоқчиман: жадаллаштириш ғояси-шунчаки яхши истакгина эмас, у социализмнинг имкониятларига сергак баҳо беришга асосланади. Биз социалистик ижтимоий системанинг фойдали иш коэффициентини ошириш мумкин ва лозим деб ҳисоблаймиз ҳамда бунга албатта эришамиз!

Партия меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашдан иш бошлаб Совет жамиятига янги, янада етуклик сифатини бахш этиши лозим бўлган, олисни кўзловчи ислоҳотларни ишлаб чиқиш ва ўтказишга киришди.

Съезд қарорлари халқ хўжалигини янги техника асосида реконструкция қилишни, структура-инвестиция сиёсатини тубдан қайта қуришни, оғирлик марказини иқтисодий ўсишнинг сифат омилларига кўчиришни кўзда тутади. Бизда бутун машинасозлик комплексини тубдан янгилашни, ҳисоблаш техникаси, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва роботлаштириш, биотехнология, янги конструкцион материаллар каби соҳаларда олдинги позицияларга чиқиб олишни назарда тутувчи программалар ишлаб чиқилди.

Биз олимлар, конструкторлар, ихтирочилар олдига масалани шу тарзда қўймоқдамиз: ўртача даражани кўзлаш бас қилинсин, тақлидчилик позицияларидан қайтилсин, принципиал янги, дунёдаги энг яхши намуналарни ишлаб чиқиш ва ўзлаштиришга бутун куч-ғайрат сарф қилинсин.

Бизда яратилган ва меҳнат унумдорлигини 10 баравар оширишни таъминлайдиган роторли ва роторли-конвейерли линиялар кенг миқёсда қўлланилади. Беш йиллик охиригача 2000 тага яқин робот техникаси комплексини ва шунча миқдордаги ўзгарувчан автомат системаларни, ўн минглаб замонавий ишлов бериш марказларини ва бошқа илғор асбоб-ускуналарни ишга тушириш белгиланган. Яқин беш йил ичида 3000 та лойиҳа ва конструкторлик ташкилотида автоматик тарзда лойиҳалаш системаларини яратиш ва шу тариқа халқ хўжалигида 5 миллиард сўмдан кўпроқ маблағнинг тежалишини таъминлаш мўлжалланмоқда.

Биз жаҳон практикасида мисли кўрилмаган ўз-ўзидан тарқалувчи юксак ҳароратли синтез усулида материаллар ҳосил қилиш технологияси, кукун металлургия, мембран, лазер, нур тарқатувчи техника сингари устун технологиялар жорий этилишидан умидимиз катта. Бу жараённи жадаллаштириш учун фан билан ишлаб чиқаришни бирлаштиришнинг принципиал янги формаси бўлмиш тармоқлараро йирик илмий-техника комплекслари барпо этилди.

Бошқаришни такомиллаштириш — социал — иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришнинг ҳал қилувчи масаласидир. Биз бир неча йиллардан бери хўжалик юритишнинг самарали форма ва методларини излаяпмиз. Айрим районлар ва тармоқларда экспериментлар ўтказдик. Энди мана шуларнинг ҳаммаси яхлит бир концепция тарзида қарор топди.

Унинг моҳияти нимадан иборат? Аввало шундан иборатки, иқтисодий ва социал тараққиётнинг энг муҳим масалаларини ҳал этишда марказнинг обрў-эътибори оширилади, бошқа масалалар жойларнинг ўзида ҳал қилинадиган бўлади. Корхоналар, совхозлар ва колхозлар чинакам хўжалик ҳисобига ўтказилиб, шу тариқа уларни мустақилликка, масъулиятга, социалистик омилкорликка ундаймиз. Одамларнинг ғоят кенг оммасини, ҳар бир меҳнат коллективини, ҳар бир кишини тараққиётни жадаллаштириш жараёнига жалб этамиз.

Кекса авлодларга мансуб кишилар ўттизинчи йиллардаги: «Ҳамма нарсани техника ҳал қилади!», «Ҳамма нарсани кадрлар ҳал қилади!» деган жанговар шиорларимизни эслаб юрадилар. Бу шиорлар ўша йиллардаги социалистик қурилиш вазифаларининг моҳиятини равшанроқ англашга ёрдам берган, шу вазифаларни ҳал этишга сафарбар қилган эди. Ҳозир бутун тажрибамиз мана шу иккала ёндашувни бирлаштириб, «Омманинг жонли ижодкорлиги— жадаллаштиришнинг ҳал қилувчи кучи!» деган бундан ҳам кенг маъноли шиор ташланишини тақозо этмоқда.

Ҳаракатларимизнинг яна бир муҳим йўналиши қуйидагича: социализм сиёсий системаси меҳнаткашларга жамоат ишларини ҳал қилишда қатнашиш учун кенг имкониятлар беради. Бироқ, шуни тан олиш кераккки, бу имкониятлардан ҳамиша ҳам тўла-тўкис фойдаланилмаяпти. Расмиятчилик кўринишлари, дабдабабозликка интилиш, бюрократизм, хотиржамликка берилиш сарқитлари бунга сабаб бўлмоқда. Партия бу ҳодисаларни қатъиян бартараф этиш, Совет демократиясини янада такомиллаштириш, халқнинг социалистик ўз-ўзини бошқарувини ривожлантириш йўлини тутди.

Бу жараёнларнинг ҳаммасини биз партиянинг ўз ишини жиддий равишда қайта қуриш билан боғламоқдамиз. Актив изланиш, новаторлик, ўзини ҳато қилмайдиган деб билиш ҳолатларини бартараф этиш, омма билан чамбарчас алоқа, кенг ошкоралик, сўз билан ишнинг бирлиги — ҳозир партия ташкилотларининг иш услубига, эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар ҳар бир коммунистга нисбатан қўйиладиган талаблардир.

Хуллас, ўртоқлар, XXVII съезд ҳақиқатан ҳам партиямизнинг фаолиятида, мамлакат турмушида бурилиш босқичини бошлаб берди. Съезд туфайли зўр сиёсий кўтаринкилик бошланди. Ҳозир биз фикр-ўйлар жўшқинлигини амалий ҳаракатлар жўшқинлигига айлантириб юборишга интиляпмиз. Биз танлаб олган йўлимизнинг тўғрилигига аминмиз ва бу йўлдан қайтмаймиз.

Яқин дўстларимиз бўлган сизлар билан мана шулар ҳақида, партиямиз билан халқимизнинг фикр-ўйлари ва ишлари ҳақида ўртоқлашишни истаймиз.

Ўртоқлар! Биз Совет Иттифоқининг келажагини ГДР ва бошқа қардош мамлакатлар билан мустаҳкам ўзаро алоқасиз тасаввур этмаймиз. Интернационал эътиқодларимиз амри билангина эмас, шундай алоқаларсиз замон ўртага қўяётган мураккаб вазифаларни ҳал этишнинг иложи йўқлиги сабабли ҳам шундай деб ўйлаймиз.

Социалистик мамлакатлар ҳозир ўз ўрталаридаги ҳамкорлик янада юқори поғонага кўтарилиши лозим бўлган даврга қадам қўяётганликларини ҳаммамиз сезиб турибмиз деб ўйлайман. Бунда бир-икки поғона эмас, балки математиклар ибораси билан айтганда, бутун бир даража юқори поғонага кўтарилиши керак.

(Давоми 2-бетда).

## ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА СЕМИНАР-КЕНГАШ

Тошкент область партия комитетида шаҳар ва район партия комитетлари ҳузуридаги партия комиссиялари раисларининг семинар-кенгаши бўлиб ўтди.

Тошкент область партия комитетининг иккинчи секретари С. М. Нестеренко «КПСС XXVII съезди якунлари ва унинг қарорларини бажаришда партия комитетлари ҳузуридаги партия комиссияларининг вазифалари» тўғрисида доклад қилди.

Чирчиқ шаҳар партия комитети ҳузуридаги партия комиссияси раиси В. В. Васильева, Ленин район партия комитети ҳузуридаги партия комиссияси раиси А. Р. Эгамбердиев, Ўзбекистон металлургия заводи партия комитети ҳузуридаги партия комиссияси раиси В. И. Семенов иш тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Халқ депутатлари область Совети ижроия комитети маълум қиладики, 1986 йил 21 апрель куни соат 15.00 да область партия комитетининг мажлислар залида ўн тўққизинчи чақириқ халқ депутатлари область Советининг еттинчи сессияси очилади.

Совет партия группасининг мажлиси шу ернинг ўзида соат 14.00 да бўлади.

Депутатлар соат 13 дан бошлаб рўйхатга олинадилар.

## ЎЗБЕКИСТОН КИНЕМАТОГРАФЧИЛАРИНИНГ СЪЕЗДИ

Экономика ва социал соҳада янгиланиш, туб ўзгаришлар даври, совет кишилари меҳнати ва турмушини маънавий соғломлаштириш, интизом ва тартибни мустаҳкамлаш учун қатъий кураш даври адабиёт ва санъат арбобларини беш йилликнинг олдинги маррасига, мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, Совет жамияти маънавий потенциалини кўпайтириш туб проблемалари ҳал этилаётган жойларга чорламоқда. Ўзбекистон кинематографчиларининг 18 апрель куни Тошкентда бўлиб ўтган VI съездининг делегатлари шулар ҳақида гапирдилар.

Республика Кинематографчилар союзи правлениесининг биринчи секретари А. З. Қобулов Ўзбекистон кинематографиясининг аҳволи ҳамда КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXI съездининг қарорлари асосидаги вазифалари тўғрисида доклад қилди.

Докладчи ва музокараларда сўзга чиққан кишилар таъкидлаб ўтишганидек, мамлакат коммунистлари анжуманининг минбаридан туриб айтилган новаторлик ғоялари, съезд қабул қилган тарихий қарорлар адабиёт ва санъат ходимлари, жумладан экран усталарининг ижодий изланишлари учун кенг имконият очади. Республика кинематографчиларининг съезди ижодий союз фаолиятини танқидий анализ қилиш учун яхши имконият яратади деб таъкидлашди делегатлар.

Шунга асосланиш керакки, бу фаолиятнинг бош якуни қарорлар ва мажлислар билан эмас, балки жамиятга зарур талантли ва оригинал фильмлар билан ўлчанади.

Съезд қатнашчилари ишдаги баъзи ижобий силжишни қайд этиб, кино санъати ходимлари ҳал этиши лозим бўлган кўпгина муҳим проблемалар тўғрисида гапирдилар.

Делегатлар Америка маъмуриятининг Ливиянинг тинч халқига нисбатан амалга оширган мислсиз ваҳшийлигидан чуқур ғазабланганликларини изҳор қилдилар.

Москва, мамлакатдаги иттифоқчи республикалар кинематографчиларининг намояндалари съездни табрикладилар.

Съездда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Ҳ. Абдуллаева нутқ сўзлади.

Съезд Ўзбекистон Кинематографчилар союзининг раҳбар органларини, СССР кинематографчиларининг V съездига делегатлар сайлади.

Съезд ишида КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими А. В. Федорин, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари С. У. Султонова, СССР Кинематография Давлат Комитети раисининг ўринбосари П. К. Костиков қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

ГЕРМАНИЯ БИРЛАШГАН СОЦИАЛИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XI СЪЕЗДИДА

# Ўртоқ М. С. ГОРБАЧЕВ нутқи

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Урушдан кейинги қирқ йил мобайнида қардош мамлакатлар босиб ўтилмаган йўллардан бориб, чуқур социал-иқтисодий ўзгартиришларни амалга оширдилар. Уларда замонавий индустрия барпо этилди, кадрлар ўсиб камол топди, социалистик давлатчилик вужудга келиб, мустаҳкамланди, коммунистик ва ишчи партиялар жамиятга раҳбарлик қилиш тажрибасини орттирдилар ва етук партиялар бўлиб қолдилар. Социалистик мамлакатларнинг халқаро позициялари мустаҳкамланди.

Мана шуларнинг ҳаммаси социализм мамлакатларининг интернационал ҳамкорлиги имкониятларини кенгайтирмоқда ва уларнинг ўзаро муносабатларини ривожлантириш масалаларига янгича ёндашиш заруратини келтириб чиқармоқда. Ф. Энгельс башорат қилиб айтганидек, «... ички ишлардаги ҳаёти, автономияси ва мустақиллиги... интернационализм тушунчасининг ўзига кирадиган **миллатлар** ўртасидагина интернационал иттифоқ бўлиши мумкин».

Иқтисодий муносабатларга алоҳида эътибор берилиши керак, деб ўйлайман. Ўтган йилларда бу соҳада салмоқли ва мустаҳкам пойдевор яратилди. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашида интеграция ишининг анчагина тажрибаси тўпланди. Аммо ҳозир масалани шу тарзда қўйган маъқул бўлур эди: ҳамкорлик даражаси ва формалари ҳозирги босқичда ҳаммамизнинг олдимизга қўйилаётган янги вазифаларга мос келадими? Қардош мамлакатлар ўзаро алоқаларининг ҳамма имкониятларидан тараққиётимизни жадаллаштириш, капиталистик бозорнинг таъсиридан иқтисодий мустаҳкамликни таъминлаш учун фойдаланиляптими? Бу имкониятлардан тўла-тўкис фойдаланилаётгани йўқ десам фикримга қўшиласизлар, деб ўйлайман. Бу аҳволни тузатиб олиш ҳаммамизнинг муштарак мақсадларимизга мос бўлиб тушади.

Қардош партиялар ва давлатларнинг раҳбарлари иқтисодий ҳамкорликнинг ҳозирги босқичидаги энг муҳим вазифани белгилаб олдилар. Бу вазифа — фан-техникани тараққий эттиришдан, аввало, машинасозликдаги ишлаб чиқаришни кооперациялашдан иборат. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар фан-техника тараққиётининг 2000 йилгача мўлжалланган Комплекс программаси — дунёдаги мезонларга кўра, энг юксак марраларни эгаллаш мақсадини кўзлайдиган салмоқли ҳужжатдир, аммо бу программани амалга ошириш учун жуда кўп куч-ғайрат сарфланиши керак бўлади.

Илмий ташкилотлар, корхоналар, бирлашмалар ўртасида бевосита алоқаларни кенг миқёсда ривожлантириш, қўшма фирмалар тузиш, бир қанча ҳуқуқий ва молиявий проблемаларни ҳал этиш энг муҳим ишлардир. Аслида гап ҳамкорлигимизнинг янги хўжалик механизми тўғрисида бормоқда. Бу соҳада дадил экспериментлар ўтказиш, бюрократик ва маҳкамачилик тўсиқларини, эскирган фикрлаш усулларини, бир қисм хўжалик ходимларининг ҳамкорлик муҳимлиги ва самарадорлигига етарли баҳо бермаслигини бартараф этиш керак. Ҳамкорлик ўзаро фойдали бўлиши, ҳамма қатнашчиларнинг манфаатлари ҳисобга олиниши шарт, албатта.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг иши ҳам жиддий равишда такомиллаштирилиши лозим. Бу ташкилотни унга хос бўлмаган оператив вазифалардан халос этиш, унинг бутун диққат-эътиборини иқтисодий интеграциянинг йирик, стратегик проблемаларига, шу жараённи давлатлараро тартибга солишга қаратиш мақбул бўлур эди. Ўз-ўзидан равшанки, буларнинг ҳаммаси жўн масалалар эмас, ўртоқлар. Аммо бу масалаларни ҳал этиш мумкин ва лозим, чунки бу иш ҳар бир қардош мамлакатнинг ва умуман ҳаммамизнинг энг зарур манфаатларимизга мос бўлиб тушади. Бу ишда сиёсий ирода керак. Ҳаммамизда шундай ирода борлигини социалистик ҳамдўстлик малакатлари раҳбарларининг кейинги учрашувлари ва суҳбатлари кўрсатиб турибди.

Алоқаларимизни янада чуқурлаштириш имконияти экономикадагина эмас, ижтимоий фаолиятнинг бошқа ҳамма соҳаларида ҳам мавжуд, деб ўйлайман. Гап ўзаро ахборотни, тажриба алмашишни, партия, давлат ва жамоат йўллари орқали барча поғоналардаги алоқаларни ҳар томонлама ривожлантириш тўғрисида бормоқда. Қардош халқларнинг эҳтиёжини чуқурроқ қондириш, бир-биримизнинг ишларимиз билан чуқурроқ, жиддийроқ танишиш, маданият соҳасидаги ўзаро алоқани анча кенгайтириш, бевосита инсоний алоқа доираларини кенгайтириш муҳимдир. Бу ишлар учун биз таъбир жоиз бўлса, икки қўлимизни кўтариб овоз берамиз.

Ўртоқлар!

Сизларнинг съездингизда уруш ва тинчлик проблемалари катта ўрин олмоқда. Бунинг учун салмоқли асослар бор. Халқаро вазият ҳамон кескин, қалтис бўлиб турибди. Шу сабабли коммунистлар дунёнинг ядровий ҳалокат сари тойиб боришини тўхтатиш учун ҳамма ишни қилишни ўзларининг энг муҳим бурчи, деб ҳисобламоқдалар.

Бизнинг Женевага қилган сафаримиз ҳам, ядро портлатишларини тўхтатиб қўйганлигимиз ҳам, ядро қуролини батамом тугатиш тўғрисида январь ойида олға сурилган конкрет программамиз ҳам айни мана шу мақсадга эришиш учун интилаётганлигимиздан далолат беради. Барча халқларнинг манфаатларига мос бўлиб тушадиган ана шу катта ташаббусларни иттифоқчи социалистик мамлакатлар, жаҳондаги кўпгина давлатлар қатъий равишда қўллаб-қувватладилар. Одамларда сиёсий муҳит яхшилик сари ўзгаради, деган умид пайдо бўлди.

Афсуски, бу умид ҳозир жиддий синовларга дуч келмоқда. Халқаро вазиятни нормаллаштириш томон бурилиш АҚШдаги ҳукмрон ҳарбий-саноат комплексига аслo мақбул бўлмаяпти. Совет Иттифоқи билан АҚШ қуролсизланиш тўғрисида шартлашиб олиши мумкинлиги тўғрисидаги фикрнинг ўзиданоқ қуролфурушларнинг кути учмоқда. Вашингтон барча халқларнинг, шу жумладан, ўз халқининг энг муҳим манфаатлари ва орзуумидларига хилоф суратда Женева аҳдномаларига амалда путур етказиш, жаҳон майдонидаги бусиз ҳам кескин вазиятни яна ҳам кўпроқ мушкуллаштирувчи ҳаракатлар қилиш йўлига ўтиб олди.

Гап биринчи навбатда Невададаги икки мудҳиш ядро портлатишлари тўғрисида бормоқда. Ана шу портлатишлар қуролсизланиш жараёнини реал равишда бошлашнинг ноёб имкониятини йўққа чиқарди. Гап яна АҚШнинг Ливияга қарши дағдаға билан қилган мислсиз хуружи тўғрисида ҳам бормоқдаки, бу иш жаҳондаги вазиятни жиддий равишда ёмонлаштириб юбориши мумкин.

Афтидан, Вашингтон ўзига одат бўлиб қолган усулда араб мамлакатларига «сабоқ бериш»га, уларни Яқин Шарқдаги можаронинг адолатли бартараф этилиши учун курашдан воз кечишга мажбур этишга қарор қилган кўринади. Лекин бу нарса Американинг региондаги сиёсати — Исроил фойдасини кўзлаётган, араб халқларининг манфаатларига ниҳоятда душманликдан иборат бўлган ҳийла-найранг ва сепарат битимлар сиёсати шарманда бўлганлигидан ҳам далолат беради.

Терроризмни ҳар қандай рўкач қилиш Америка маъмуриятига «халқаро судья» ва ўзбошимча жазоловчи ролини бажариш, халқаро муомала принциплари ўрнига бедодлик қонунини қўллаш ҳуқуқини бермайди. Бунинг устига гап бутун жаҳон ҳамжамияти қатъиян қоралаётган террорчилик хуружларида эмас, асло.

Америка империализми кўп йиллар мобайнида Ливияга ва бошқа араб давлатларига муттасил тазйиқ ўтказиб келмоқда, улар ўзларининг суверен ҳуқуқларини, фаластинлик араб халқининг адолатли ишини қаттиқ туриб ҳимоя қилмоқдалар.

СССР, социалистик мамлакатлар Ливия билан бирдам эканликларини сўз ва ишлари орқали намойиш этмоқдалар. Улар АҚШни огоҳлантириб, у БМТга аъзо бўлган мустақил давлатга қарши қуролли агрессия бошлаш орқали ўз зиммасига жиддий масъулият олишини айтган эдилар.

Воқеаларга кенг халқаро кўламда назар ташлаган тақдирда ядро синовларини зўр бериб давом эттириш, Никарагуага нисбатан таҳдидни кучайтириш каби Ливияга қарши жиноят ҳам бир-бири билан боғлиқ ҳаракатлардир. Буларнинг ҳаммаси — Америка маъмурияти умумий йўлининг ифодаси бўлиб, бу йўлнинг милитаристик, агрессив йўналиши шу кунларда жуда равшан намоён бўлди.

Шуни таъкидламоқчиманки, Вашингтондагилар, Европа пойтахтидагилар бундай хатти-ҳаракатлар СССР билан АҚШ ўртасидаги, умуман Шарқ билан Ғарб ўртасидаги мулоқотга ҳам бевосита зиён етказиши тўғрисида ўйлашлари керак. Совет — Америка муносабатлари АҚШ ўзини халқаро майдонда қандай тутишига, бунинг натижасида қандай вазият вужудга келишига боғлиқ бўлмаган ҳолда ривожлана олмаслиги гўё Америка маъмуриятига маълум эмасдек қилиб кўрсатилиши керак эмас.

Эндиликда ким ҳақиқатан ҳам тинчлик учун курашаётганлиги, ким эса халқларни ядровий ҳалокат жари ёқасига судраётганлиги ақли расо ҳар бир кишига равшан бўлиши лозим. Совет Иттифоқи жаҳон майдонида Қўшма Штатларга ўхшаб ҳаракат қилган тақдирда инсоният зотидан ва унинг цивилизациясидан нималар қолишини тасаввур этиш мумкин.

Аммо социализмга ўз моҳияти билан бундай калтабинлик, худбинлик, авантюрачиликдан иборат сиёсат ётдир.

Мана шундай масъулиятли бир пайтда ҳозирги авлод ва келгуси авлодлар олдидаги ўз бурчини бажаришдан ҳеч ким бўйин товлай олмайди. Тинчлик тақдирини Америка милитаристларининг марҳаматига ишониб топшириш мумкин эмас.

Совет Иттифоқига, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларига келганда шуни айтиш кераккки, улар ўз масъулиятларини тўла англаган ҳолда ҳаракат қилиб келдилар ва бундан буён ҳам шундай ҳаракат қилаверадилар.

Бугун биз ниҳоятда равшан қилиб айтамизки, ядро қуролини тугатишга, қуролланиш пойгасини жиловлашга қаратилган таклифларимиз ўз кучида қолмоқда. Бинобарин, Ғарб мамлакатларининг ҳукуматлари тинчлик тақдири тўғрисида ҳақиқатан ҳам жон куйдиришаётган экан, уларнинг сўздан ишга ўтиш пайти келди. Ҳозирча биз шундай қилинаётганини кўрмаяпмиз. Европани олиб кўрайлик. Башарти, НАТОга аъзо бўлган бошқа мамлакатлар — Англия билан Франция ўзларининг ракета потенциалини кўпайтирмаган тақдирда Совет Иттифоқи билан Американинг ўртача олислик ядро ракеталарини бутун қитъа территориясидан олиб чиқиб кетишни таклиф этиб, Совет Иттифоқи катта ён беришга рози бўлганлигини эслатиб ўтиш мумкин.

Ҳали яқиндагина совет СС-20 ракеталарини Ғарбий Европа учун энг катта хавф, деб ҳисоблаб келган ҳукуматлар эса эндиликда, бу камлик қилади, Англия билан Франциянинг ракеталари ва ядровий портловчи каллакларини янада кўпайтириш йўлини беркитиб қўйиш ярамайди, деган гапни айтмоқдалар.

Хўш, бу гапда мантиқ борми, тенглик ва баб-баравар хавфсизлик принципи қаёқда қолди? — деган савол туғилади. Бунда мантиқ ва принципдан асар ҳам йўқ.

ГФРнинг сиёсатида ҳам мантиқ кўринмайди. Унинг ҳукумати доимо ўзининг тинчликсеварлиги ҳақида, социалистик мамлакатлар билан ҳамкорликни ривожлантиришга интилаётганлиги тўғрисида гапирмоқда, мамлакат территориясидан ҳеч қачон уруш бошланмайди, деб ваъда бермоқда. Амалда-чи? Айни ГФР территориясида Шарққа қаратиб қўйилган «Першинг»лар ва қанотли ракеталар қалаштириб ташланган.

Американинг «стратегик мудофаа ташаббуси» деб аталган урушқоқлик программасини Ғарбий Европадаги бошқа ҳукуматлардан кўра ГФР ҳукумати жон-жаҳди билан қўллаб-қувватлади, деса бўлади. Бунинг устига Бонн «самовий урушлар»нинг европача вариантини таклиф этди. ГФРдаги ҳукмрон синф «очиқ Германия масаласи» мавжудлигини аввалгидек такрорлаётганлиги, реваншчилик режаларидан воз кечмаганлиги, айниқса, хавотирлик туғдиради. Совет Иттифоқи Европадаги катта давлат бўлмиш ГФР билан муносабатларга муҳим аҳамият бермоқда. Яна шундай демоқчиман: биз бу муносабатларни тенг ҳуқуқлилик асосида ва ўзаро манфаатли тарзда бундан буён ҳам ривожлантиришга тайёрмиз. Аммо бу нарса, аввало, Бонннинг сиёсати амалда тинчлик ва хавфсизлик манфаатларига мос бўлиб тушишини назарда тутади. Шу боисдан тенг ҳуқуқли суверен давлатлар сифатида ГДРнинг ГФР билан муносабатлари халқаро ҳуқуқнинг ҳамма эътироф қилган нормаларига тўла-тўкис мувофиқ ҳолга келтирилсин, деб ГДРнинг ГФР олдига қўйётган ҳаққоний талабини тўла-тўкис қўллаб-қувватлашимизни таъкидлаб ўтмоқчиман.

Европадаги вазият ҳақида гапирганда яна бир катта проблемани кўриб турибмиз. Гап қитъада оддий қурол-яроғлар билан таъминланган қудратли қуролли кучларнинг қарама-қарши турганлиги ҳақида бормоқда.

Европада энг замонавий танклар, ракеталар, самолётлар билан таъминланган (ҳамма турлардаги ўқ отиш қуроли ҳақида гапирмаса ҳам бўлади) қуролли кучларнинг иккита уч миллионли гуруҳи юзма-юз турибди. Бунинг устига, оддий қурол-яроғлар, деб аталган қурол-яроғлар доимо такомиллаштирилмоқда, уларнинг кучи тобора оширилмоқда, ўзларининг жанговар хусусиятлари жиҳатидан оммавий қирғин воситаларига яқинлаштирилмоқда.

Проблеманинг яна бир томони бор. Бизга Ғарбий Европа ядро қуролидан, шу жумладан, Американинг ядро қуролидан воз кеча олмайди, чунки бундай қилинган тақдирда Варшава Шартномаси мамлакатларининг қуролли кучлари ва оддий қурол-яроғлари олдида ўз хавфсизлигини камроқ ҳис эта бошлайди, демоқдалар. Унг матбуот эса совет танкларининг Ғарбга бостириб киришини фантастик тасвирлаш билан қўрқитиб, бу сохта далилни мустаҳкамлашга уринмоқда.

Шу муносабат билан биз нималарни айтишни зарур, деб ҳисоблаймиз?

Аввало, шуни айтиш керакки, Европада ядро қуролини тугатиш фақат Ғарб учун эмас, биз учун ҳам янги вазиятни вужудга келтирган бўлур эди. Биз ядро даврига қадар бизнинг мамлакатимиз территориясига ғарбий йўналишдан бир эмас, бир неча бор бостириб кирилганлигини унута олмаймиз.

Яна бир масала хусусида. Мен шу ерда, социалистик ГДР пойтахтида туриб Ғарбий Европанинг ҳамма одамларига даъват билан мурожаат қилмоқчиман: Совет Иттифоқи тажовузкор, деган уйдирмаларга ишонманг. Агар биз ва иттифоқчиларимиз НАТО томонидан ҳужум объекти бўлиб қолмасак, бизнинг мамлакатимиз Ғарбий Европага қарши ҳеч қачон, ҳеч қандай шароитда уруш ҳаракатларини бошламайди! Такрор айтаманки, ҳеч қачон уруш ҳаракатларини бошламайди!

Бу позициямизни биз эндиликда оддий қурол-яроғлар ва қуролли кучларга оид янги ташаббус билан мустаҳкамлашни хоҳлаймиз. СССР Европа давлатларининг қуруқликдаги қўшинлари ва тактик авиацияси барча компонентларини, шунингдек, АҚШ билан Канаданинг Европада жойлаштирилган тегишли қуролли кучларини анча миқдорда камайтириш тўғрисида аҳдлашиб олишни таклиф қилади. Қисқартириладиган қўшин бирлашмалари ва қисмларини тарқатиб юбориш, уларнинг қурол-яроғларини йўқ қилиб ташлаш ёки миллий территорияларда жамлаб қўйиш мумкин бўлур эди. Чамаси Европанинг бутун территорияси — Атлантикадан тортиб Уралгача ана шундай қисқартиришнинг географик зонаси бўлиши керак. Оддий қурол-яроғларни қисқартириш билан бир вақтда оператив-тактик мақсадлардаги ядро қуроллари ҳам қисқартирилган бўлур эди.

Ана шу жараённинг ҳамма босқичларида пухта контролликни амалга ошириш ҳақидаги масала ўртага қўйилади. Гап текширишнинг миллий техникавий воситалари ҳақида ҳам, унинг халқаро формалари тўғрисида ҳам, жумладан, зарур бўлиб қолган тақдирда жойларда инспекция ўтказиш тўғрисида ҳам бориши мумкин.

Хуллас, бу — жиддий музокаралар учун мавзудир. Бизнингча, масалани кенг кўламда ўртага қўйиш Венадаги музокараларда кўп йиллардан буён чигаллашиб бораётган тугунни ечишга имкон берган бўлур эди.

Биз химиявий қуролдан халос бўлишга ҳам жуда катта аҳамият бермоқдамиз. Совет Иттифоқи тегишли халқаро конвенция тузилишини тезлатишга ҳаракат қилиб, яқин кунларда қуролсизланишга бағишланган конференцияга ҳозирга қадар мавжуд бўлиб келаётган тафовутларни бартараф этишга имкон берадиган бир қанча янги таклифларни киритади.

Биз ҳамма амалий ташаббусларни — масалан, ГБСП билан ГСДП биргаликда ишлаб чиққан Европада химия қуролидан холи зона барпо этиш ғояси каби ташаббусларни қимматли, деб ҳисоблаймиз ва уларни кўриб чиқишга тайёрмиз.

Бизнинг сиёсатимизда тузоқ йўқ. Биз Ғарбга мушт кўрсатаётганимиз йўқ, балки хайрихоҳлик билан қўлимизни узатяпмиз. Шуни таъкидламоқчиманки, биз ҳамжиҳатлик йўлларини, қуролланиш пойгасини чеклаш йўлларини ожизликдан қидираётганимиз йўқ. Тинчлик биз учун ҳам, умуман ҳамма учун ҳам керак. Бизнинг сиёсатимиз Галактиканинг самовий кенгликларида, эҳтимолки, ягона цивилизация бўлган инсониятни омон сақлаб қолиш тўғрисидаги ташвишлардан келиб чиқади.

Ўртоқлар!

Коммунистларнинг кучи — уларнинг ғоявий эътиқодида, тинчлик ва адолат иделлари учун, меҳнат аҳлининг бахт-саодати учун фидокорлик билан курашишга тайёрлигидадир. Ҳукмрон бошқа коммунистик партияларнинг съездлари каби сизнинг съездингиз ҳам социалистик жамиятни муттасил такомиллаштиришга, янги ижтимоий тузумнинг жозибадорлигини ёрқин мисоллар билан оширишга бўлган муштарак азму қароримизни тасдиқлайди.

Азиз ўртоқлар, сизларга, ГДР коммунистларига, барча меҳнаткашларига Германия Бирлашган социалистик партияси XI съезди томонидан қўйиладиган вазифаларни ҳал этишда муваффақиятлар тилаймиз.

КПСС билан ГБСП ўртасидаги, СССР билан ГДР халқлари ўртасидаги бузилмас қардошларча дўстлик мустаҳкамланаверсин!

Яшасин социализм!
Яшасин тинчлик!

* * *

М. С. Горбачев нутқи зўр эътибор билан тингланди ва давомли қарсаклар билан бир неча марта бўлиниб турди.

---

## ИЛҒОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети 1986 йил биринчи кварталида чорвачиликни ривожлантириш якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди:

**Жиззах области, Қашқадарё области, Қорақалпоғистон АССР, Бухоро области, Жиззах областининг Октябрь райони, Қашқадарё областининг Китоб райони, Самарқанд областининг Советобод райони, Тошкент областининг Ўрта Чирчиқ райони, Бухоро областининг Шофрикон райони, Қорақалпоғистон АССРнинг Тўрткўл райони.**

Қуйидаги коллективлар 1986 йилнинг биринчи кварталида чорвачиликни ривожлантириш юзасидан республика социалистик мусобақасининг ғолиблари деб топилди:

**Гурлан районидаги «Коммуна» колхози, Бекобод районидаги Ленин номли колхоз, Ленин районидаги «Правда Востока» колхози, Конимех районидаги «Шофрикон» совхози, Ургут районидаги «Уч қаҳрамон» совхози, Оқ олтин районидаги «Партия XXIII съезди» совхози, Сариосиё районидаги «Коммунизм» совхози, Ғиждувон районидаги бройлер паррандачилик фабрикаси, Арнасой районидаги И. С. Конев номли 15-совхоз, Избоскан район матлубот жамиятининг бўрдоқичилик хўжалиги, Ғалаба районидаги «Балиқчи» экспериментал-намуна ишлаб чиқариш бирлашмаси.**

---

## ИНТЕНСИВЛАШ — БОШ ЙЎЛ

*Янгийўл шаҳар партия комитети пленумидан*

Шаҳар коммунистлари, барча меҳнаткашлари КПСС XXVII съезди тарихий қарорларини зўр қизиқиш ва катта манфаатдорлик билан ўқиб-ўрганмоқдалар.

Партия ва жамоат ташкилотларининг олиб борган ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишлари, партия съездига тайёргарлик давридаги ва ундан кейинги меҳнат кўтаринкилиги туфайли ўн иккинчи беш йилликнинг дастлабки квартали учун белгиланган план топшириқлари муваффақиятли бажарилди.

КПСС XXVII съезди якунлари ва съезд томонидан қабул қилинган қарорларни бажариш бўйича шаҳар партия ташкилотининг вазифалари тўғрисидаги масалани муҳокама қилган шаҳар партия комитетининг пленумида ана шулар қайд қилинди. Докладчи — шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. С. Раззоқов ва музокараларда сўзга чиққан ёғ-мой комбинати бошланғич партия ташкилотининг секретари Ҳ. Абдусатторова, «Лаззат» кондитер ишлаб чиқариш бирлашмасининг слесари А. Гнильюк, пойабзал фабрикаси директори Т. Норов, 2503-автоколонна бошлиғи М. Назиров, 109-механизациялашган кўчма колонна партия бюросининг секретари Н. Ли ва бошқа нотиқлар асосий эътиборни йўл қўйилган камчиликлар ва уларни бартараф этишга, экономиканинг барча тармоқларини жадал ривожлантириш омилларидан тўлароқ фойдаланишга қаратдилар.

Шаҳар саноатини ривожлантиришда эришилаётган кўрсаткичлар ҳамон республика ва область кўрсаткичларидан орқада қолмоқда. Бу давр талабига ҳеч жавоб бермайди. Бундай аҳвол шунинг учун ҳам содир бўлмоқдаки, қатор корхоналар раҳбарлари ва партия ташкилотлари жадаллаштириш муаммоларига расмиятчилик билан муносабатда бўлмоқдалар, эски иш усулларидан ҳали ҳам ҳалос бўлганларича йўқ. Бунинг оқибатида ҳатто енгил планлар олишга уриниш каби ҳоллар ҳам учраб турибди. Масалан, «Лаззат» кондитер ишлаб чиқариш бирлашмаси бўйича бу йилнинг биринчи квартал товар-маҳсулот тайёрлаш плани ўтган йилнинг шу даврида эришилган даражадан 2,6 процент кам қилиб белгиланган. Нон, «Ремстройдормаш» ва металл-пластмасса заводларида ҳам шундай аҳвол содир бўлмоқда.

Пленумда биохимия заводи раҳбарларининг эскича усулдан қутула олмаётганлиги қаттиқ танқид қилинди. Улар ишчанлик қилиш, ишлаб чиқариш резервларидан фойдаланиш ўрнига ўзларининг фаолиятсизликларини турли хил сабаблар ва баҳоналар билан оқлашга уриндилар. Бунинг оқибатида корхона бир маромда ишламаяпти, ишлаб чиқариш самарадорлиги ортмаяпти. Ваҳоланки, ўтган беш йилликда бу заводни кенгайтиришга 5,5 миллион сўм давлат капитал маблағи сарфланди. Бироқ, шунга қарамай кўпгина маҳсулот турлари тайёрлаш бўйича планлар барбод қилинмоқда, фонд самараси эса шаҳардаги ўртача кўрсаткичдан беш баравар кам бўлиб турибди.

Докладчи ва нотиқлар мавжуд ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишдаги нуқсонларни кўрсатиб ўтдилар. Ўтган беш йилликда фонд билан таъминланиш меҳнат унумдорлигига нисбатан уч баравар тез ортди. Бироқ ҳар бир сўмлик фонднинг самарадорлиги эса камайиб кетмоқда. Қатор ишлаб чиқаришларда узоқ вақтлардан бери лойиҳадаги қувватларга эришилмаяпти. Масалан, ёғ-мой комбинатида совун ишлаб чиқариш бўйича қувватлар бор-йўғи 87 процент, 8-ғишт заводлари бошқармасида 80 процент, нон заводида 71 процент фойдаланилмоқда.

Шаҳар саноатида ишлаб чиқаришни техник қайта ускуналашда жуда кам маблағ фойдаланилмоқда. Ҳар икки корхонанинг бирида у шаҳардаги ўртача кўрсаткичдан ҳам камдир. Бу сўнгги 10—15 йил давомида коллективларни социал-иқтисодий ривожлантириш комплекс планлари бажарилмаганлиги оқибатида юзага келди. Ёғ-мой комбинати, «Лаззат» кондитер ишлаб чиқариш бирлашмаси, мебель фабрикаси, нон заводида асосий фондлар жуда суст янгиланмоқда. Бунинг оқибатида 1,5 миллион сўмлик асбоб-ускуналар омборларда чанг босиб ётибди. Корхоналар раҳбарлари эса реконструкция ишлари билан етарли шуғулланмаяптилар. Ваҳоланки, корхоналардаги асбоб-ускуналарнинг анчагина қисми эскириб қолган. Ҳатто 50 йилдан ортиқроқ вақтдан бери фойдаланиб келинаётган агрегатлар ҳам бор. Ана шулар туфайли кўпчилик корхоналар ишлаб чиқараётган маҳсулот сифати талаб даражасида бўлмаётир.

Пленумда КПСС XXVII съезди қарорларини, ўн иккинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли амалга ошириш, шаҳар экономикасининг барча тармоқлари олдида вазифаларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш, ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг интенсив усулларини жорий қилишни кучайтиришга қаратилган тадбирлар белгилаб олинди.

**М. МИРҲАМИДОВ.**

---

• ЭРТАГА — СОВЕТ ФАНИ КУНИ

## ТУБ БУРИЛИШ САРИ

Мамлакатимиз экономикасида хўжалик механизмини тубдан қайта қуриш борасидаги янгича талаблар фан-техника тараққиётида тезкорлик билан ўзгаришлар ясаш зарурлигини тақозо этди ва партиянинг XXVII съездида бунинг учун, аввало, структура ва инвестиция сиёсатини амалга ошириш муҳим деб белгиланди. Бошқача айтганда халқ хўжалиги олдида миқдор кўрсаткичлардан сифат ва самарадорликка, ишлаб чиқариш фондларини кенгайтиришдан шу фондларни янгилашга ўтиш ҳамда фан хизматини халқ хўжалигининг муҳим тармоқларини ривожлантиришга кўпроқ бўйсундириш асосида мамлакат қудратини янада мустаҳкамлаш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга эришиш асосий мақсад қилиб қўйилди.

Республика Фанлар академиясининг илмий муассасалари худди ана шу тарзда ишни қайта ташкил этишга киришдилар. Бунда биз илмий-тадқиқот институтларида шу кунгача қўлга киритилган энг илғор иш услублари, етук олимлар эришган муваффақиятлардан ҳам самарали фойдаланяпмиз. Бу ютуқлар эса кам эмас. Хусусан, тадқиқотчиларимизнинг ядро физикаси, юқори энергия физикаси, ҳисоблаш техникаси, электроника, математика, экспериментал биология, микробиология каби кўплаб соҳаларда қўлга киритган ютуқлари мамлакатимиздан ташқаридан ҳам эътироф этилмоқда.

Ўтган беш йилликда назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган қатор фундаментал тадқиқотларга партия ва ҳукуматимиз томонидан муносиб баҳо берилди. Хусусан, электроника институтидан Темурбек Усмонов, физиология институтидан Бекжон Тошмуҳамедов, бошқа илмий муассасалардан қатор таниқли олимларнинг меҳнати СССР Давлат мукофотига лойиқ деб топилди. 36 илм-фан ташкилотчисининг иши эса Беруний номидаги республика Давлат мукофотига сазовор бўлди. Ўзбекистон ССР Геология министрлигига қарашли геология ҳамда газ ва нефть конлари қидириш институтининг директори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги А. Акромхўжаев, биология-минералогия фанлари доктори А. Киршин, биология-минералогия фанлари кандидати Ш. Амирхоновларнинг кўп йиллик тадқиқотлари фанда муҳим кашфиёт сифатида қайд этилди.

Олимларимизнинг ер қобиғини ўрганиш ва магматик комплекслар бўйича халқаро Помир—Ҳимолай лойиҳаси ва бошқа соҳаларда эришилган ютуқлар илм-фан ривожига салмоқли ҳисса қўшди.

### СЪЕЗДДАН КЕЙИНГИ ЎЙЛАР

Аммо илм-фан муассасалари ишига бугунги талаблар нуқтаи назаридан ёндашадиган бўлсак бу борада ҳали ҳал этилмаган бир қанча муаммолар борлиги кўзга яққол ташланади. Республикамизнинг асосий бойлиги бўлган пахтачиликни ривожлантириш даражаси ва суръатлари фан-техника тараққиёти талабларидан анча орқада. Селекционер — олимлар ғўзанинг серҳосил навларини яратишда ҳамон оқсамоқдалар. Биз пахта териш машиналарининг принципиал янги турларини яратиш, атроф-муҳитга кам зарар етказадиган пестицид ва дефолиантлар ишлаб чиқариш борасида ҳам қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари олдида ўзимизни қарздор, деб ҳисоблаймиз. КПСС XXVII съезди бир группа делегатларининг «Тошкент ҳақиқати» газетасида босилган Очиқ хатида бу масалалар ҳақида ҳам жуда тўғри фикрлар айтилди.

Республикамиз Компартиясининг XXI съездида сув ресурсларидан оқилона фойдаланилмаётгани айтилди. Бу муаммони ҳал этиш учун академия қошида албатта шу соҳа бўйича илмий муассаса зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этиб турибди. Ана шуларни қайд этиш билан бирга, шуни ҳам таъкидлаш кераккки, биздаги катта нуқсонлардан бири фан билан ишлаб чиқариш ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатилмаганлигидир. Қатор илмий муассасалар у ёки бу тармоқни ривожлантириш бўйича катта, ҳатто жаҳоншумул ютуқларга эришадилар. Бу ишлари учун жуда кўп вақт ва маблағлар сарфланган бўлади. Аммо тадқиқот натижаларини жорий этишга келганда олимлар ҳам, хўжаликлар, корхоналар раҳбарлари ҳам лоқайдликка йўл қўймоқдалар. Оқибатда юксак самара берадиган илмий ечимлар ишлаб чиқаришга йиллар давомида жорий қилинмай, қолиб кетмоқда.

Илмий-тадқиқот институтларида ҳанузгача давом этиб келаётган тематиканинг ҳаётдан узоқлиги, фундаментал тадқиқотларни атрофлича ривожлантиришга эътибор бермаслик, параллел мавзуларда изланишлар олиб боришларни бартараф этиш пайти келди. Бундай нуқсонлар фан тараққиётига жиддий тўсқинлик қилмоқда. Илм-фаннинг умумхалқ манфаатларига хизмати мавқеини пасайтириб юбормоқда.

Биз ана шундай нуқсонларни йўқотишга киришиш билан бирга илм-фан кун тартибига қўяётган янги-янги муаммоларни ҳал этишнинг прогрессив усулларини жорий қилишга ҳам эътиборни кучайтиряпмиз. Масалан, илмий кучлар ва моддий-техника ресурсларини марказлаштиришнинг прогрессив формаси сифатида вужудга келаётган **тармоқлараро илмий-техника комплекси** шулар жумласидандир.

Бу комплексдан кўзда тутилган асосий мақсад – жаҳонда энг олдинги марраларга ўтиб олиш учун куч ва воситаларни фан-техниканинг зарур йўналишларини қисқа вақт ичида жуда тезлик билан ривожлантиришга қаратилишидир. **Ҳозирча Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг «Кибернетика» бирлашмаси мамлакатимизда ташкил этилган ана шундай комплекслардан бирида фаол иш кўрсата бошлади.** Келгусида бу янгилик бошқа илмий муассасаларга ҳам кенг ёйиб борилади. Фан-техника тараққиётини тезлаштиришни кўзда тутиб, **яқин ойлар ичида республикада ташкил этилган 14 та тармоқ лабораторияси, «Пахта териш машинаси», «Иккиламчи ресурслар», «Дефолиантлар» деб аталувчи учта илмий ишлаб чиқариш маркази, «Мотор» ва «Манипулятор» инженерлик марказлари, тармоқлараро илмий-техника комплексини яратиш сари қўйилган дастлабки қадамлардир.** Яқин вақт мобайнида биотехнология, химия, генетика ва селекция муаммолари бўйича ҳам ишлаб чиқариш марказлари ташкил этилиши кўзда тутилган.

Академиямиз, унинг бўлимлари, партия ташкилотлари, илмий муассасаларни истеъдодли ва ташкилотчи кадрлар билан мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бермоқда. Бу мақсадда илмий кадрларни аттестациядан ўтказишга киришилди.

Фан-техника тараққиётида белгилаб олинган бу вазифаларнинг ҳаммаси ўз кўлами ва аҳамияти жиҳатдан ҳаётий, жуда долзарб вазифалардир. Уларнинг ҳал этилиши пировард натижада мамлакатимиз социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш ва халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш ишига хизмат қилади.

**Т. РАШИДОВ,**
**Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице президенти.**
**Ў. САИДКАРИМОВ,**
**физика-математика фанлари кандидати.**

